

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Shartnoma

2. Loyihaning nomi: Haq evaziga xizmat ko'rsatish shartnomasi

Loyiha Shovot tumani xalq ta'limi bo'limi tomonidan Urganch shaxri Cho'qli ko'chasi 1-uyda joylashgan Xorazm Viloyati Yong'indan muxofoza qilish jamiyati raxbari M.Kurbanov bilan Shovot tumani xalq ta'limi bo'limiga qarashli maktablarni kuz-qish mavsumiga qarata kotyol pech murikonlarni texnik ko'rikdan o'tkazish xizmati ko'rsatish bo'yicha 27 615 000 (yigirma etti million olti yuz o'n besh ming) so'mlik shartnoma tuzish haqida kelishilgan

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot
Shovot tumani xalq ta'limi bo'limi tomonidan 2022 yil 16 avgust kuni ishlab chiqilgan

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Shovot tumani yuridik xizmat ko'rsatish
markazi boshlig'i**

K.X.Ismoilov



ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «17» 8

35-12-177-ХТ/2022-

сон

Шовот Т ш.

Хоразм Вилояти Ёнғиндан мухофоза қилиш жамияти бундан буён матнда «Бажарувчи» деб аталувчи номидан раҳбари **Курбанов.М** фаолиятини амалга оширувчи бир томондан ва Шовот тумани халқ таълими бўлими мудирини бундан буён матнда «Буюртмачи» деб аталувчи номидан раҳбари **М.Олламова** фаолиятини курсатувчи, иккинчи томондан куйидагилар тугрисида ушбу шартномани тузишди.

1.Шартнома предмети

1.1.»Бажарувчи» «Буюртмачи»нинг талабига асосан иш олиб боради. «Буюртмачи» эса ишлар бажарилгандан кейин тулик пул тулаш мажбуриятини олади.

1.2.

	Буюртма номи	Ул.бир.	Микдори	Нархи	Умумий киймати
1	Шовот тумани халқ таълими бўлимига қарашли мактабларни кузқиш мавсумига карата котёл печ муриконларни техник куриқдан ўтказиш хизмати	Усл.един	263	105000	27 615 000
	Жами:				27 615 000

2.Шартнома нархи,бахоси,суммаси (киймати)

2.1.Шартноманинг умумий киймати 27 615 000 (йигирма етти миллион олти юз ўн беш минг) сумни ташкил қилади.

3.Тулов шартлари

3.1. «Буюртмачи» «Бажарувчининг»нинг ҳисоб-рақамига шартномада курсатилган хизматлар суммасининг 30 фоизи олдиндан утказишни уз зиммасига олади.Колган 70 фоизи ишлар тулик бажарилгандан кейин утказишни уз зиммасига олади.

3.2.Тулов тури тулов топшириқномаси

(тулов талабномаси,тулов топшириқномаси,чек аккредитив ва бошқалар)

4.Шартноманинг бажарилиш муддати

4.1.Шартноманинг 1.2-бандида курсатилган хизматлар «буюртмачи»га шартнома Газначилиқдан руйхатга олиниб 30 фоиз аванс тулови утказилгандан кейин 3 кун вақт ичида қилиб берилиши шарт.

4.2.Шартноманинг амал қилиш муддати: 2022 йил «31» Декабргача уз кучида қолади.

5.Тарафлар ҳуқуқлари

5.1. «Буюртмачининг»нинг ҳуқуқлари:

5.1.1.Ушбу шартнома асосида белгиланган хизматларни уз вақтида ва сифатли қилиб бажаришни «Бажарувчи»дан талаб қилишга:

5.1.2. «Бажарувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

5.2. «Бажарувчи»нинг ҳуқуқлари:

5.2.1.Ушбу шартнома асосида белгиланган хизматлар учун олдиндан 30 % ҳақ тулашни ва амалдаги шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширишни «Бажарувчи»дан талаб қилишга:

5.2.2. «Буюртмачи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик ,бажарилган ишни кабул килишда асоссиз равишда рад килиш натижасида етказилган зарарни талаб килишга ҳақлидир.

6.Тарафлар мажбуриятлари

6.1. «Бажарувчи»мажбуриятлари:

6.1.1.Шартномада курсатилган талабларга риоя қилган ҳолда уз вақтида «Буюртмачи»га ишларни килиб бериш;

6.1.2.Тегишли даражада сифатли ишлар қилинганлиги тугрисида билдириш (хабарнома) олгандан сунг сифатли булмаган ишларни 3 кун ичида қайта килиб бериш ёки Ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли булмаган ишларни баҳосини қайтариб бериш.

6.2. «Буюртмачи» мажбурияти:

6.2.1.Хизматларни кабул килиш далолатномасини тузган ҳолда Ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга,сонига,сифатига қараб муддатида ишларни кабул килиб олиш;

6.2.2. Тегешли даражада сифатли булмаган ишлар аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб 24 соат ичида бажарувчини оғохлантириш.

6.2.3. Бажарилган ишларни баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тулаш.

7. Тарафлар жавобгарлиги

7.1. Ишларни бажариш вақтида риоя қилмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тулик қоплайди ва 0.4 % миқдорда пеня тулайди.

7.2. «Бажарувчи» ишларни тулик бажармаганлиги учун «Буюртмачи»га ҳар кун учун хизматлар баҳосидан 0.4 фоиз пеня тулайди.

7.3. Шартнома талабларида курсатилган сифатлардаги ҳамда ишлар бажарилмаган бўлса, айбдор тараф шартнома умумий суммасини 0.4 % миқдорида пеня тулайди.

7.4. Тегишли даражада сифатли булмаган хизматларни қайта бажаришдан бош тортса, «Бажарувчи» шартнома суммасини 0.4 % миқдорида жарима тулайди.

7.5. Хизматлар учун «Буюртмачи» уз вақтида ёки тулик туловни амалга оширмаса қилинган ишлар миқдоридан 0.4 фоиз пеня тулайди, лекин пеня миқдори туланмаган маблағни 50 % миқдоридан ошиб кетмаслиги керак.

7.6.Неустойка (жарима) тулаш тарафларни шартномада курсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

8.Форс-мажор ҳолатлари

8.1.Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боғлиқ булмаган сабабларга қура ва енгиб булмас қуч мавжуд булган тақдирда Ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас.Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши,фуқоралар тартибсизлиги,эпидемия,эмбарго,ер қимирлаши,сув тошқини,ёнгин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.

8.2.Агар бартараф қилиб булмайдиган қуч уч ой узлуксиз давом этса,тарафлар,бир-бирини ёзма равишда оғохлантирилиб,шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

9.Низони ҳал қилиш тартиби

9.1.Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан қелиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг қелишуви билан ҳал қилинади.

9.2.Тарафларнинг қелишуви билан ҳал қилиб булмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳужалик суди орқали ҳал қилинади.

10.Шартномага узгартириш ва қушимчалар қиритиш тартиби

10.1.Ушбу шартномага қиритилган барча узгартириш ва қушимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб,имзо қуйилгандан кейингина юридик қучга эга булади.

10.2.Шартномани тарафларнинг узаро қелишувига асосан Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан қелтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

11.Бошқа ҳолатлар

11.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб икки нусхада тузилган.

11.2 Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594- сонли қарорига асосан Ғазначиликда рўйхатга олингандан кейин кучга қонуний киради.

11.3. Тарафларнинг бошқа талаблари: йук

12 КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ

12.1. Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупция характериға эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмағирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-ҳаракатлари/ҳаракатсизликларини содир этмайдилар.

12.2. Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти-ҳаракатларни/ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

12.3. Томонда ушбу шартноманинг 12.1-бандидаги талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли Томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса – амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

«БАЖАРУВЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»

Хоразм Вилояти Ёнғиндан муҳофоза қилиш жамияти	Шовот ХТБ
Манзил Урганч чукли I	Манзил Уста-содик 23
х/р 20212000704774001001	х/р 100022860332307092100075065
ИНН 206994409	ИНН 201783089
МФО 00547	МФО 00014
Миллий банк Урганч филиали	Марказий банк ХХКМ
	Молия вазирлиги Ғазначилиги
	ИНН 201122919
	х/р 23402000300100001010

Рахбар _____ Курбанов.М
(имзо) (ф.и.ш)

Рахбар _____ Олламова.М
(имзо) (ф.и.ш)



Shovot tuman Xalq ta'limi bo'limiga qarashli umumiy o'rta ta'lim maktablarini kuz-qish mavsumiga qarata kotyol pech va mo'rikonlarni texnik ko'rikdan o'tkazish bo'yicha oylar davomida ishlarni moliyalashtirish grafigi

I-ilova

T/R	Ob'jekt nomi va manzili	Xajm birligining kiymati	2022 yil uchun moliyalashtirish qiymati											
			1-chorak			2-chorak			3-chorak			4-chorak		
			yanvar	fevral	mart	aprel	may	iyun	iyul	avgust	sentyabr	oktyabr	noyabr	dekabr
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
1	Shovot tuman Xalq ta'limi bo'limiga qarashli umumiy o'rta ta'lim maktablarini kuz-qish mavsumiga qarata kotyol pech va mo'rikonlarni texnik ko'rikdan o'tkazish	27 615 000,0												
	Avans summasi	8 284 500,00												
	Bajarilgan ish uchun	19 330 500,00									19 330 500,00			



MU



Bajaruvchi

Shovot tuman Xalq ta'limi bo'limiga qarashli umumiy o'rta ta'lim maktablarini kuz-qish mavsumiga qarata kotyol pech va mo'rikonlarni texnik ko'rikdan o'tkazish buyicha oylar davomida ishlarni bajarish grafigi

2-ilova

T/R	Ob'yeht nomi va manzili	Xajm birligining kiymati	2022 yil uchun ishlarni bajarish kiymati												
			1-chorak			2-chorak			3-chorak			4-chorak			
			yanvar	fevral	mart	aprel	may	iyun	iyul	avgust	sentiyabr	oktyabr	noyabr	dekabr	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	
1	Shovot tuman Xalq ta'limi bo'limiga qarashli umumiy o'rta ta'lim maktablarini kuz-qish mavsumiga qarata kotyol pech va mo'rikonlarni texnik ko'rikdan o'tkazish	27 615 000,0										8 284 500,0	19 330 500,00		



MU



MU